

ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА ВИКТОРИАН ДАВРИ АЁЛЛАР НАСРИ МИСОЛИДА

Хулкар Элибоевна МУХАММЕДОВА
Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон
hulkar_m@yahoo.mail

Аннотация

Мазкур мақолада инглиз адабиётида йирик даврни ташкил этган викториан даври аёл адибалари опа-сингил Бронтелар, Жорж Элиот ва Элизабет Гаскелларнинг асарлари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: аёллар насри, феминист аёллар, аёллар адабиёти, характер, асар, викториан адабиёт

ЖЕНСКАЯ ПРОЗА НА ОСНОВЕ ВИКТОРИАНСКОЙ АНГЛИЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Хулкар Элибаевна МУХАММЕДОВА
Доктор философии по (PhD) филологическим наукам
Государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан
hulkar_m@yahoo.mail

Аннотация

Данная статья посвящена выявлению особенностей женской прозы на основе анализа произведений сестёр Бронте, Жорж Элиот и Элизабет Гаскелл являющейся одной из выдающихся женщин-писательниц викторианского периода в английской литературе.

Ключевые слова: женская проза, женщины-феминистки, женская литература, характер, роман, викторианская литература.

XIX аср инглиз адабиёти ҳозирги кунгача тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб келаётган викториан адабиёт ўзида тарихий-адабий жараёнларни, Европа маданиятини ва мана шу давр ёзувчилари яратган асарларидаги ғоя ва мавзу, образ ва персонаж ҳамда усуб ва маҳорат каби муаммоларни ўзида намоён этади. Викториан даври адиблари ўзларининг шоҳ асарлари билан инглиз адабиёти хазинасини бойитишга муваффақ бўлишди. Мана шу даврда ижод этган Чарльз Диккенс, Уилям Теккерей каби адиблар билан бир қаторда аёл адибалар ҳам ижод қилишди.

Танқидий реализм даври адабиёти жамиятда рўй берган ўзгаришларни ижтимоий жараёнлар кесимида таҳлил қилиш муаммосини ҳам ўзида кенг

камраб олади. Мана шундай ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан аёл насри нафақат адабиётга балки ҳамма соҳага бирдай таъсир ўтказди. Англияда 1837-1901 йиллар мобайнида хукмронлик қилган қиролича Виктория аёлларнинг жойи фақат уй билан чегараланишини ва аёл фақат оила даврасида ўзини бахтли хис қилсагина, сиёсат у учун иккинчи ўрнига тушишини таъкидлаганди [4;165]. Ижтимоий-сиёсий соҳаларда етакчилик қилаётган эркаклар британия аёлларини юридик жиҳатдан чегаралаб қўйган эдилар. Аёллар мамлакатнинг тўла ҳуқуқли фуқароси сифатида тан олинмас ва шу билан биргаликда меросга эгалик қилишдан маҳрум қилинганди. Эркаклар сингари ўз ҳуқуқини талаб қилиш мақсадида аёллар ҳам аста-секинлик билан ҳаракат қила бошлади. XIX асрда вужудга келган аёллар ҳаракати илк марта тарихда энг кучли мустақил ҳаракат сифатида тан олинди. Мазкур аёллар ҳаракати ўз ҳуқуқи учун кураши муҳим ижтимоий жараён бўлиб АҚШ ва Буюк Британияда содир бўлиб ўтди.

Протестант одоб-ахлоқи аёлларнинг эрки масаласида аёл фақат фарзандни дунёга келтириш ва уни тарбиялаш билан характерланарди. Британия жамиятида вужудга келган аёлларнинг анъанавий чиқишлари мамлакатда аёлларнинг меҳнат бозорига жалб қилиниши билан яқун топмади. Аёлларнинг меҳнат қилиши қўшимча даромад топиши адабиётда ҳам намоён бўлишига туртки бўлди.

Аёллар насри илмий адабиётларда турлича ифода этилади. Хусусан, инглиз ва Америка илмий адабиётларида “woman writings - аёллар адабиёти”, “women prose - аёллар насри ” ва “feminist writers - феминист адибалар” каби тушунчалар тез-тез учрайди. Биз инглиз адабиёти тарихига назар ташласак, юқорида кўрсатиб ўтилган атамалар бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмайди. “Woman writings - аёллар адабиёти” 1752 йилда дастлаб ношир Жорж Баллард томонидан “Етита Ледининг хотиралари” [10;36] асарининг нашр этилиши аёллар адабиётининг вужудга келишига туртки бўла олди. 1792 йилда Мэри Волстенкрафт томонидан “Аёлнинг ҳуқуқлари” асарининг пайдо бўлиши эса аёллар адабиётининг ривожланаётганлигини кўрсатиб

берди. Аёллар адабиётининг асосий хусусияти бу аёл тажрибасига таянган ҳолда асар яратиш эди. Адабиётнинг бундай кўриниши XIX асрга келиб ҳақиқий насрга айланди. Эндиликда аёллар насрининг етакчи хусусиятлари бу муаллиф – аёл, марказий қаҳрамон аёл, муаммолар қайсидир маънода аёллар тақдири билан боғлиқ равишда тасвирлашга айланди.

XIX асрда содир бўлган аёлларнинг тенг юридик ва сиёсий ҳуқуқлари учун олиб борган ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг идеологиясини англатган феминизм латин тилидаги “*femina*” – аёл сўзидан олинган. Чет эл адабиёти тарихида тенгҳуқуқлилик масаласини ўзида мужассамлаштирган феминизм хотин-қизларнинг шахс сифатида ўзини намоён қила олишга бўлган интилишини ўзида акс эттиради. Тарихчи Герда Лернер феминизм куртакларини Уйғониш даврида ижод этган француз адибаси Кристина де Пизан асарларида мавжудлигини ва шу боис XV асрда “аёллар ҳақидаги баҳсларнинг” (*querelle des femmes*) назариялари вужудга келганлигини таъкидлайди [3;77]. Таъкидлаш жоизки, илк феминистлар ва феминист аёллар феминизм тушунчасидан йироқ бўлишган, улар ўзларини “хотин-қизлар адвокати” ёки “хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоячиси” деб аташган. Тарихчи Карен Оффеннинг фикрига кўра “феминизм” атамаси 1882 йил Францияда “*Ля Ситуаенн*” газетаси мақолаларида пайдо бўлади. Сайлов ҳуқуқи учун кураш олиб борган аёллар ҳаракатининг аъзоси Губертина Оклер ўзини феминист аёл деб атайди ва мақолаларини шу ном билан имзолайди. 1892 йил Парижда бўлиб ўтган биринчи феминистик конгрессдан сўнг “феминизм” атамаси кенг оммага ёйилиб кетди ва 1894 йил Буюк Британия, Испания, Италия, Германия ва АҚШ каби мамлакатларнинг сиёсий нашрлари саҳифаларида пайдо бўлди [11;82]. Европа тарихида феминизмнинг учта босқичи кузатилган бўлиб мана шу ҳаракат туфайли феминист адибалар шаклланди. Уларнинг ижодида ҳам феминистик ғоялар уфуриб турарди.

Аёллар насри викториан даврга келиб гуллаб-яшнаганини мана шу даврда яшаган адибаларнинг ижоди мисолида таҳлил қилиш мумкин. Ўз

навбатида аёллар насри давомчиси сифатида инглиз адабиётига дастлаб Жейн Остен дадил қадамлар билан кириб келди. Унинг асарларида аёл асарнинг биринчи планида тасвирланибгина қолмай, аёлнинг ўзига хос характери, муаммолари ва жамиятда тутган ўрни каби масалалар ҳам очиқ берилишига эътибор қаратилди. У инглиз адабиётида аёллар насрининг ҳақиқат давомчиси бўла олганлигини асарлари орқали исботлаб берди. Жейн Остен қаламига мансуб асарлар ҳозирги кунгача жаҳон адабиётининг шох асарлари сирасига киради. Унинг издошлари ҳам мана шу анъанани давом эттирдилар. Викториа адибалар ҳисобланган опа-сингил Бронтелар, Элизабет Гаскел, Жорж Элиотларнинг ижодида аёллар насри хусусиятлари турлича кўринишда акс этди.

Танқидчилар аёллар насрининг хусусиятлари автобиографик, сюжет яъни ёш қизнинг ҳикояси ва аёл исёни ҳақидаги мавзуларда ўз аксини топади деб ҳисоблашдилар. Хусусан инглиз танқидчилари юқорида таъкидлаб ўтилган хусусиятлари мавжуд асарларни аёл қаламига мансуб деб топдилар.

Ж.М.Томпкинс ўн саккизинчи асрга оид эпистоляр романларнинг аксарияти аёллар томонидан ёзилганлигини таъкидлайди [12;71]. Иан Ватт, шунчаки XIX асрга оид барча романларнинг аксарияти аёл қалами туфайли деб таъкидлайди [13;126]. "Аёллар насри" XIX асрда расмий равишда адабий ҳодиса сифатида тан олинган ва бугунги кунда ўзбек адабиётининг барқарор ҳодисаси сифатида ажралиб туради. О.Гаврилина фикрича, аёл адабиёти – кенг маънода буларнинг барчаси аёллар томонидан ёзилган асарлар, муаллиф феминизм анъаналарига содиқ қолади. Ва тор маънода анъанавий умуминсоний муаммоларга (ҳаёт ва ўлим, ҳиссиёт ва бурч, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, оила ва бошқа нарсалар) асосланган матнлар доирасидир [2;37]. Людмила Петрушевская, Татьяна Толстая, Людмила Улитская, Виктория Токарева ва бошқалар каби истеъдодли ва турли хил ёзувчиларнинг адабий уфқда пайдо бўлиши, "аёллар адабиёти" нима эканлигини ва унга қандай мос келиши ҳақидаги саволни ўртага ташлади. Замонавий адабиёт контекстида аёл насрининг турли хил шакллари мавжуд,

улар орасида ижтимоий-психологик, сентиментал роман, таржимаи ҳол, хикоя, иншо ва роман турлари учрайди.

Викториан адибалар ижодида энг кўп учрайдиган адабий жанр бу роман шаклидир. Бироқ бу романларда ҳам адибалар аёллар тақдирини турфа хил кўринишда аёл туйғуларини ғоят нозик ҳис қилган ҳолда таъсирли тасвирлашнинг уддасидан чиқдилар. Опа-сингил Бронтелар ижоди Европадаги инқилоблар ва Англиядаги Чартистлар ҳаракатининг таъсири натижасида романтик ва реалистик анъаналар билан чамбарчас боғлиқ. Шарлотта Бронте тўғридан-тўғри чартизм образига мурожаат қилади, лекин унинг "Жейн Эйр" (1847) романи инглиз реалистик романи учун янги қаҳрамон – ўзининг фуқаролик ва маънавий эркинлиги учун курашган аёлни яратишда намоён бўлади. Шарлотта Бронте романлари мавзуси ёзувчининг ҳаётий тажрибалари билан узвий боғлиқ. У умрининг кўп қисмини Ховортда (Йоркшир) ўтказди. Опа-сингил Бронтеларнинг дастлабки насрий асарлари Эмилия Бронтенинг ажойиб "Қўриқчи баландликлар" (1848), Анна Бронтенинг "Агнес Грей" (1848) ва Шарлотта Бронтенинг "Жейн Эйр" романларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ижтимоий роман типига хос бўлган саноат ҳақидаги романлар юқорида таъкидлаб ўтилган ижодкорлар ижодида жуда кам учрайди. Саноат ҳақидаги романларда асосий элемент сифатида саноатлашган шаҳар, завод ёки фабрикалардаги фаолият билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, инсонлар ҳаёти тасвирланади. Назаримизда кенг кўламдаги образлар, яъни шаҳар, завод ёки фабрика мавзуси бевосита жамият билан боғлиқ бўлиб, муаллиф объектни асарга тўлалигича кўчиради. Ушбу саноат роман жанридаги асарлар асосан 1830-1850 йилларда яратилган бўлиб, саноат тушунчаси Англиянинг ўзида яхлит атама сифатида қабул қилинди. Саноат романининг "Industrial roman", мушоҳада роман "problem's novel", Англия вазияти романи "Condition of England novel" [6;38] каби турлари адабиётда ижтимоий муаммони ўзида қамраб олган бўлиб, саноатлашган мамлакат ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Таъкидлаб ўтилган атамалар ўзининг тарихига эга бўлиб, ижтимоий

кимматга эга бўлган воқеани акс эттиради. Бу типдаги асарларда қўлланган пейзажлар ҳам саноатга оид параметрларга мувофиқ тарзда тасвирлангани кузатилади. Опа-сингил Бронтелар ижод қилган автобиографик жанрдаги хусусиятлар мазкур типдаги романларда кучли эътибор қилинмаган.

Инглиз адабиётида яратилган саноат ҳақидаги романлар викториан адиба Элизабет Гаскелл ижодида энг кўп учраши билан ажралиб туради. Адибанинг 1848 йилда яратилган “Мэри Бартон” асарида биз саноатлашган Манчестер шаҳри ҳаётига гувоҳ бўламиз. Адиба асаридаги Манчестер шунчаки шаҳар эмас, балки мамлакатнинг энг муҳим ривожланган ҳудуди сифатида тасвирланади. Элизабет Гаскелл асарда гуллаб-яшнаётган Лондонга эмас, балки Манчестердаги завод ва фабрикалар, улардан уфуриб турган чанг ва ишчилар ҳаётига урғу беради. Инглиз адабиётшуноси А.Иссон “Мэри Бартон”, “Шимол ва Жануб” асарларини ижтимоий роман контекстида талқин этилади. Ишчиларнинг газлама ишлаб чиқаришдаги узлуксиз ишлаши ва оғир меҳнатини кўрсатиш орқали адиба моҳирлик билан муаммони аниқ ифода этишини [5;62] таъкидлайди.

XIX асрнинг 30-40 йилларга оид тарихий фактларнинг асарларда илк марта тасвирлана бориши Англия учун муҳим ижтимоий-маърифий аҳамият касб этди. Адабиётшунос А.Аникист Э.Гаскелл ижодига баҳо бера туриб “Мэри Бартон” асаридаги асосий воқеалар 1838-40 йилларда содир бўлган ҳодисаларни ҳикоя қилади ва 1841 йилда мамлакатда иқтисодий кризиснинг юз бериши адибага янги асар яратишига катта туртки берганлигига ишора қилади [1;143]. Мамлакатдаги саноат муҳитини тўла-тўқис тасвирлашга уринган адиба мана шу муҳитда яшаётган ишчилар ҳаётини очиб беришга муваффақ бўлган. Э.Гаскелл илк романида мана шу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашди. Адиба асарда тасвирлаган қаҳрамонлар тизими орқали ижтимоий муаммога эътибор қаратади. Асар бобларида ҳар бир қаҳрамон ўз ҳаётини ҳикоя қилади ва бу асар сарлавҳаларида “Олов ичидаги фабрика”, “Жем Уилсон ёрдамга келади”, “Маргарет қўшиқчи сифатида илк чиқиши”, “Эстернинг Мэрини қидириши” каби номлар билан акс этган.

Манчестерда яшаган адиба ишчилар ҳаётини обдон ўрганган эди. Асардаги ҳар бир деталь ҳаётдаги реалликка мос тушар эди. Адиба китобхонни Лондондаги ишчилар ҳаётига эмас балки қишлоқ шароитида яшаётган ишчилар ҳаётига олиб киради. Манчестер шаҳри ифодалари ўзида қарама-қарши кайфиятни акс эттиради. Яъни, у кимлардир учун ер юзидаги жаннат, бошқа бировлар учун эса жаҳаннам. Тадқиқотчи Ф.Мори ўз мақоласида бу ҳолни “Мэри Бартон ўйлаб топилган Манчестерда ижро этилган драма”, деб таъкидлайди. Шу билан бирга у ўз хулосасида Элизабет Гаскелл ҳақиқий Манчестернинг суратини моҳирлик билан чиза олгани, бунга туртки бўлган сабабларни ҳам эсалатиб ўтар экан адиба романнинг муваффақият билан яратилганига эътибор беради [9;56]. Саноат ҳақидаги романларда фабрика тасвири етакчи ўринни эгаллайди. Фабрика асарнинг асосий марказий жойи ҳисобланиб, унинг атрофида қаҳрамонлар тақдири ҳикоя қилинади. “- *Carsons' mill ran lengthways from east to west. Along it went one of the oldest thoroughfares in Manchester. Indeed all that part of the town was comparatively old; it was there that the first cotton mills were built, and the crowded alleys and back streets of the neighbourhood made a fire there particularly to be dreaded.* Таржимаси: -Карсон фабрикасининг ойналари шимол ва жанубга қартилган бўлиб, унда Манчестернинг эски кўчаларидан бири тўлиқ кўриниб турарди. Умуман шаҳарнинг ҳамма қисми таққосланиб кўрилганда эски эди. Ўз даврида бу ерда илк ип йиғирув фабрикаси очилган бўлиб, унинг атрофида аҳоли зич жойлашганди. Саноқсиз боши берк ва тор кўчалар кўп учрайди. Мабодо ўт кетса ҳақиқий қашишоқлик юзага келиши аниқ эди” [7;68]. Элизабет Гаскелл асарда фабрика ҳаётини ва ундаги муҳитни батафсил тасвирлашга ҳаракат қилади. Ўша давр ёзувчиси учун Манчестер таниқли белги бўлиб, саноатнинг инсон ҳаётига қилган таъсирини англатарди. Инглиз адабиётшуноси С.Линдер Гаскелл тасвирлаган саноат шаҳри ҳақида гапирар экан “шовқин инсон ҳаётига хос эмас”лигини таъкидлаб ўтади [8;26]. Манчестер макон сифатида ўзида фабрикани

муҳассамлаштирарди. Бу макон образлари асарда асосий саҳна вазифасини ўтайди.

Викториан даврда ижод қилган Жорж Элиот (Мэри Иванс) замондошлари бўлган опа-сингил Бронтелар, Э.Гаскелл анъаналарини давом эттирган ҳолда реалистик роман жанрини янги ғоя ва мазмун билан янада бойитди. Жорж Элиот романларида инсон тақдири, унинг ҳолатлари реал воқеалар иштирокида тасвирланади. Унинг асарларида биз “инсон ва жамиятга садоқат, табиатга шукроналик ва муҳаббатга ишонч мавзуларини” кузатишимиз мумкин. Адиба қаламига мансуб асарларнинг барчасида деярли аёллар ҳаёти ҳикоя қилинади. Ёзувчи ижодини адабиётшунослар иккига ажратиб ўрганишган. Унинг асарлари илк ва сўнгги даврда яратилган асарларга бўлинади. Биринчи даври 1850-1860 йилларга тўғри келади. Бу даврда Элиот ўзининг “Диндорлар ҳаётидан лавҳалар” (Scenes of Clerical Life, 1858), “Adam Bede” (1859), “Сайлас Марнер” (Silas Marner, 1861) романларини ёзади. Адиба ижодининг иккинчи даври 1862-1880 йилларга тўғри келади. Бу даврида у “Ромола” (Romola, 1863), “Радикал Феликс Холт” (Felix Holt, the Radical, 1866), “Миддлмарч” (Middlemarch, 1872) ва “Дениэл Деронда” (Daniel Deronda, 1878) романларини эълон қилади.

Ж.Элиотнинг романларида ғоя ва стилистик параллеллар мавжуд бўлиб, улар иккаласи ҳам аёлнинг патриархал таълимдан озодлигини эмоционал даражада ифодалаганлигига гувоҳ бўламиз. Викториан анъаналарнинг мавжудлиги, мавзуларнинг бир хиллиги, қаҳрамонлар психологияси, одоб-ахлоқнинг қатъийлиги ва воқеаларнинг талқини Ж.Элиот романларига хосдир. “Флоссдаги тегирмон” романи қаҳрамонлари болаликдан маҳрумдирлар, шунинг учун улар фаталист аёлларга, тақдирга ишонган инсонларга айланишган. Жорж Элиот “Флоссдаги тегирмон”да изох беришича, агар миссис Талливерда қандайдир кучли туйғу бўлса, у фақат унинг ўғли Томга таалуқлидир. Мэггини эса у фақат “итоаткорсизликда” ва ўзи борасида юритган муҳокамаларида айблайди. Мэгги характерини очиб беришда образ атрофидаги персонажлардан унумли фойдаланади. Меггининг

кучли ва иродали образлилигини нафақат образ характери балки унинг хатти-харакатлари орқали маҳорат билан кўрсатиб беради. Адиба кучли аёл киёфасини яратар экан, унинг ўзига хос жиҳатларини, камчиликларини ва хатто жамият анъаналарига бўлган эътирозини ҳам тўла-тўқис тасвирлашга ҳаракат қилади. Жорж Элиот асарларини ўқир эканмиз аёллар насрига хос хусусиятлар мавжудлигини кузатамиз. Аёл тажрибаси, тақдири ва унинг психологиясига таяниб образ яратган Жорж Элиотнинг адабий мероси китобхонлар томонидан ҳозирги кунгача ўрганилиб келинмоқда.

Юқорида биз таҳлил қилган аёллар насри ўзига хос тарихга эгадир. Европа тарихида аёллар насри турли омиллар натижасида шаклланганлиги ва адабий йўналиш сифатида ўрганилганлигига бевосита гувоҳ бўламиз. Бу насрда ижод этган адибалар меросини бугунги кунда ҳам аёл ёзувчилар давом эттириб келишмоқда. Бу эса адабиётда янги мавзуларнинг кириб келишига ва тадқиқотлар яратилишига замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аникст А.А. История английской литературы. – Москва: Просвещение, 1956. – 270 с.
2. Гаврилина О. Гендер и литература: проблема «женского письма» и «женского чтения» // Филологические науки, 2000. – №3.
3. Гендерный калейдоскоп. Курс лекций /Под. ред. М.М.Малышевой. – Москва, 2002. – 77 с.
4. Anderson B.S. Zinsser J.P. A History of Their own. Penguin Book. Vol. 2. 1990. – P.165.
5. Eason A. Elisabeth Gaskell. London etc.: Rutledge & Kegan Paul, 1979. – 270 p.
6. Foster Sh. Elizabeth Gaskell: Literary Life. Palgrave: Macmillan. 2002. – 280 p.
7. Gaskell E. Mary Barton: A Tale of Manchester Life. London: Wordsworth. 2002. – 450 p.

8. Linder C. Fictions of Commodity Culture: From the Victorian to the Postmodern. New York: Ashgate Press 2003.-360 p.
9. Morey P. Fiction Illuminated by reportage: Mary Barton and Leon Faucher's Estudes. Chicago: Chicago State University Press 2014. – 180 p.
10. Rivera A. The History and Importance of Women's Literature. 2017
11. Tuttle L. Encyclopedia of Feminism. New York (Arrow Books), 1986.
12. Tompkins J.M. Gender and Reception of Victorian novels. Bangstoke: Macmillan 1996.-310 p.
13. Watt I. Do Woman Have a Distinct Nature? Women and Values. Reading in Recent Feminist Philosophy. – California State University, 1986. -230 p.